O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV.№

2008 йил 14 март, жума. № 11 (663)

INSON MANFAATLARI — OLIY QADRIYAT

O'ZBEKISTON «ADOLAT» SOTSIAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

KUCH — ADOLATDADIR

ADOLAT

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

"ОРОЛ МУАММОЛАРИ, УЛАРНИНГ АҲОЛИ ГЕНОФОНДИ, ЎСИМЛИК ВА ҲАЙВОНОТ ОЛАМИГА ТАЪСИРИ ҲАМДА ОҚИБАТЛАРИНИ ЕНГИЛЛАШТИРИШ УЧУН ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ" ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯСИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Азиз меҳмонлар!

Ҳурматли конференция иштирокчилари!

Сизларни Ўзбекистон пойтахти — Тошкент шаҳрида самимий қутлайман.

Бугун очиладиган конференция Марказий Осиё мамлакатлари учун энг мураккаб ва долзарб муаммолардан бирига бағишланган бўлиб, унинг аҳамияти, ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, фақат сув хавфсизлиги масалалари ва битта минтақа доираси билан чекланиб қолмайди.

Барчангиз олижаноб мақсад – Орол инқирози оқибатлари билан боғлиқ масалаларни ҳар томонлама муҳокама қилиш ва Марказий Осиё давлатларига, биринчи навбатда бевосита инқироз ҳудудида истиқомат қилувчи аҳолига яшаш шароитлари ёмонлашувининг олдини олиш, мазкур минтақанинг бетакрор флораси ва фаунаси нозик экологик мутаносиблигини сақлашда халқаро ҳамжамият томонидан кўмак бериш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш мақсадида йиғилгансиз.

Орол денгизи муаммосининг илдизи узоқ ўтмишга бориб тақалади. Аммо бу муаммонинг кўлами XX асрнинг 60-йилларида хавфли тус олди. Янги ерларни жадал ўзлаштириш, суғорма деҳқончиликни янада ривожлантириш, бунинг учун бутун Марказий Осиё ҳудуди бўйлаб ирригация тизимларини қуриш, сувдан маиший ва саноат кўламида фойдаланиш эҳтиёжининг давомий ўсиб бориши, шунингдек, сув тақчил бўлган йилларнинг мунтазам такрорланиб туриши энг янги тарихдаги глобал экологик ҳалокатлардан бири содир бўлишига – бир вақтлар сайёрамиздаги энг чиройли сув ҳавзаларидан бирининг қуриб боришига шароит яратди. Сўнгги эллик йил ичида Орол денгизи акваторияси сатҳи 4 баравардан кўпроқ қисқарди, сув ҳажми 10 мартага камайди, худди шу миқдорда унинг минераллашуви ошди.

Янги ҳосил бўлган чўл Оролбўйи ҳудудини шафқатсизларча қамраб олмоқда. Доимий экологик хавф мавжуд ҳудудда, маҳаллий аҳолининг турмуш сифати, саломатлиги, генофондида салбий из қолдирувчи омиллар таъсири остида нафақат қуриб бораётган денгиз атрофидаги минтақалар — Қозоғистоннинг Қизилўрда вилояти, Туркманистоннинг Тошҳовуз вилояти ва Ўзбекистоннинг Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Навоий, Бухоро вилоятлари, балки бутун Марказий Осиё минтақаси ҳам жойлашгандир.

Сув ресурсларининг, жумладан ичимлик сувнинг танқислиги ва унинг сифати пасайиши, ерларнинг завол топиши, биохилма-хилликнинг кескин камайиб кетиши, атмосфера ифлосланишининг ошиши натижасидаги иқлим ўзгаришлари, эҳтимол, шу билан боғлиқ минтақа асосий дарёлари оқимининг катта қисми ҳосил бўладиган Помир ва Тянь-Шань музликлари майдонининг кичиклашуви – бу Орол нобуд бўлаётгани натижасининг қисқача мисоллари, холос. Бугунги кунда шуниси мутлақо равшанки, Оролбўйида келиб чиқиши ва асоратлари жиҳатидан халқаро, глобал характердаги мураккаб экологик, ижтимоий-иқтисодий ва демографик муаммолар комплекси юзага келган.

Буни англаш БМТнинг Марказий Осиёда инсон тараққиёти ҳақидаги 2005 йилги Маърузасида ҳам ўз тасдиғини топган, унда Орол денгизининг қуриши нафақат минтақавий, балки глобал аҳамиятга эга эканлиги таъкидлаб ўтилган.

Шу жиҳатдан олинганда, минтақанинг трансчегаравий сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш масалалари алоҳида долзарб аҳамият касб этади. Мазкур дарёлар барча замонларда уларнинг ҳавзаларида жойлашган давлатларнинг ҳаётий муҳим эҳтиёжларини таъминлаб келган. Бу ҳозирги кунда сув ресурсларидан, биринчи галда, трансчегаравий хусусиятга эга дарё оқимларидан мазкур минтақадаги барча мамлакат ва халқлар манфаатлари йўлида фойдаланишда ҳар томонлама пухта ўйланган ёндашув ва қарорларни амалга оширишни тақозо этувчи минтақанинг 6 давлатида яшаётган 50 миллиондан ортиқ кишининг ҳаётий муҳим манфаатлари ҳисобланади. Акс ҳолда бу Амударё ва Сирдарёнинг қуйи қисмларида сув таъминотини янада қийинлаштириши, қуриб бораётган Оролнинг экологик ҳалокатини жадаллаштириб юбориши ҳамда Қозоғистон, Туркманистон ва Ўзбекистоннинг ўн миллионлаб аҳолисининг барқарор ривожланиши ва амалда умуман бу ерда яшаши истиқболларини шубҳа остида қолдириши мумкин.

Трансчегара дарёларидан фойдаланишнинг асосий тамойилларини белгилайдиган халқаро ҳуқуқнинг энг муҳим ҳужжатларига, шу жумладан трансчегара сув оқимлари ва халқаро кўлларни муҳофаза қилиш ва фойдаланиш (1992) ҳамда халқаро сув оқимларидан кема қатновидан бошқача турда фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги (1997) конвенцияларга мувофиқ, сув оқимларидаги барча давлатлар "ўзининг тегишли ҳудудлари чегарасида халқаро сув оқимларидан адолатли ва оқилона тарзда фойдаланишлари" назарда тутилади.

Мазкур ҳужжатларда шунингдек, халқаро сув оқимларидаги давлатлар томонидан ўз ҳудудида ундан фойдаланганида "сув оқимидаги бошқа давлатларга сезиларли зарар етказилишининг олдини олиш учун барча тегишли чора-тадбирларни кўриш", зарар етказилган ҳолатда эса – "бундай зарарни тўлатиш ёки камайтириш учун, зарур бўлганда, зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги масалани муҳокама қилиш учун" тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича давлатларнинг мажбуриятлари назарда тутилган.

Трансчегара сув оқимларининг сув ресурсларидан фойдаланиш соҳасидаги халқаро ҳуқуқ минтақа давлатларининг "халқаро сув оқимларидан мақбул равишда фойдаланишга эришиш ҳамда тегишли тарзда ҳимоя қилиш мақсадида" ҳамкорлик қилиш умумий мажбуриятини ҳам назарда тутади.

Бундай ҳамкорликнинг муҳим тамал тоши 1993 йилнинг март ойида бўлиб ўтган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг учрашувида қўйилди. Қизилўрда шаҳрида бўлиб ўтган мазкур учрашувда Орол денгизи муаммосини ҳал этиш бўйича ўзаро саъй-ҳаракатлар тўғрисидаги Битим имзоланди. Ўтган сўнгги йилларда минтақа давлатлари халқаро ташкилотлар билан биргаликда Орол денгизи ҳавзасидаги экологик ҳамда ижтимоий-иқтисодий муаммоларни енгиб ўтиш ва минтақадаги вазиятни яхшилаш бўйича сезиларли саъй-ҳаракатларни амалга оширишди.

Ишончим комилки, глобал ижтимоий муаммолар, жумладан Минг йиллик ривожланиш мақсадлари доирасида, "регионализм орқали глобализм сари" формуласи бўйича, самарали минтақавий механизмлар яратиш йўли билан ҳал этилиши лозим.

БМТ Бош Ассамблеясининг қарори билан 2005-2015 йиллар "Сув ҳаёт учун" ҳаракати Халқаро ўн йиллиги деб эълон қилинди. Бугунги Тошкент конференцияси нафақат Орол денгизи муаммоларини ҳал этиш бўйича Марказий Осиё давлатларининг ўзаро саъй-ҳаракатлари тўғрисидаги биринчи битими имзоланганининг ўн беш йиллик даврида, балки, 22 март — Бутунжаҳон сув ресурслари кунига яқин қолганда, БМТ эълон қилган Халқаро Ер сайёраси йилида бўлиб ўтаётгани ҳам рамзий маъно касб этади.

Конференция натижалари Орол муаммосига халқаро ҳамжамиятнинг янгича назар билан қараши ва англаб етишини шакллантиришга ёрдам бериши ҳамда Марказий Осиё минтақасининг аҳоли генофонди, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини ҳимоя қилиш мақсадида янада самарали ҳамкорлик учун асос бўладиган вазиятни яхшилаш бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш имконини беришига ишончим комил.

Конференция қатнашчиларига самарали ишлаш ва ушбу муҳим ҳамда принципиал вазифаларни амалга оширишда янгидан-янги муваффақиятлар тилайман.

Чуқур эҳтиром ила,

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ БИРЛАШГАН АРАБ АМИРЛИКЛАРИГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Бирлашган Араб Амирликлари Президенти шайх Халифа бин Зоид Ол Наҳайён таклифига биноан 2008 йил 17-18 март кунлари расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлади.

Учрашувлар чоғида Ўзбекистон Республикаси билан Бирлашган Араб Амирликлари ўртасида ҳар томонлама ҳамкорликни кенгайтиришга оид ҳамда томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар муҳокама қилинади.

Музокаралар якунида икки давлатнинг турли соҳалардаги ҳамкорлигини ривожлантиришга қаратилган қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилмоқда.

Таҳлил

Навоий вилояти: ИҚТИСОДИЙ ЮКСАЛИШ ЙЎЛИДА

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан мамлакатимизда истеъмол товарлари, саноат, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш, шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланиб, бу борадаги ислоҳотларни изчил ва босқичма-босқич амалга оширишга катта эътибор қаратилди.

Бундан кўзланган мақсад, аввало, хомашёни арзон нархларда хорижга экспорт қилиш ўрнига сифатли ва харидоргир тайёр маҳсулотлар билан жаҳон бозорига кириб бориш, қолаверса, мамлакат аҳолисини муқим иш билан таъминлаш асосида аҳоли фаровонлигини оширишдан иборат.

Бугун бу танланган йўл нечоғли тўғрилиги амалда тўла исботланди. Эндиликда қишлоқ хўжалиги, саноат ва бошқа истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми йил сайин ортиб бормоқда. Энг муҳими, мазкур соҳаларда фидокорона меҳнат қилаётган фуқароларнинг амалга ошираётган ишидан кўнгли тўқ, келажакка бўлган ишончи юксак.

«Ўтган йили аҳоли бандлиги ва унинг даромадларини ошириш масаласини ҳал этиш борасида ҳам салмоқли ишлар қилинди, – деди давлатимиз раҳбари Ислом Каримов 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида.

– Шу мақсадда қўшимча равишда 630 мингдан ортиқ янги иш ўрни ташкил этилиб, уларнинг қарийб учдан икки қисми қишлоқ жойларида очилди. Янги иш ўринларининг 65 фоизга яқини кичик бизнес ва хизмат кўрсатиш тармоқлари, 20 фоиздан ортиғи эса касаначилик соҳаси ҳиссасига тўғри келади.

Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш дастурини амалга ошириш юзасидан бажарилаётган чора-тадбирлар бугунги кунда сезиларли натижалар бермоқда. Фақат 2007 йилнинг ўзида қорамол боқиш билан шуғулланадиган 350 мингдан зиёд фуқарога меҳнат дафтарчаси очилди.

Бу эса уларнинг ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш имконини берди. Шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида қорамол боқиш билан банд бўлганлар сифатида рўйхатга олинган фуқароларнинг умумий сони эса бир миллион нафардан ошиб кетди...»

(Давоми 3-бетда)

Дилшод ЮСУПОВ (ЎзА) олган сурат.

СЎЗ – КОНФЕРЕНЦИЯ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Пойтахтимизда 12 март куни Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан "Орол муаммолари, уларнинг аҳоли генофонди, ўсимлик ва ҳайвонот оламига таъсири ҳамда оқибатларини енгиллаштириш учун халқаро ҳамкорлик чора-тадбирлари» мавзуидаги халқаро конференция бўлиб ўтди. Унда дунёнинг йигирмадан ортиқ давлати, жумладан, Марказий Осиё мамлакатлари, Германия, Греция, Исроил, Ҳиндистон, Хитой, Нидерландия, Россия, Япония ва бошқа давлатлардан, халқаро ва минтақавий ташкилотлардан, молия институтларидан вакиллар, экология, иқлим ўзгариши ҳамда сув ресурсларини бошқариш соҳаси бўйича таниқли олимлар ва мутахассислар иштирок этди.

ЎзА мухбирлари конференция иштирокчиларининг фикрлари билан қизиқди.

Пётр ЗАВЬЯЛОВ, Россия фанлар академиясининг Океанология институти директорининг ўринбосари, география фанлари доктори:

— Авваламбор конференцияни ташкиллаштиргани учун Ўзбекистон раҳбариятига миннатдорлигимни билдирмоқчиман. Ушбу анжуман ниҳоятда долзарб мавзуга бағишланди. Чунки бугунги кунда Орол муаммоси нафақат Марказий Осиё минтақасининг, балки Ер куррасидаги барча мамлакатларнинг муаммосига айланган. Орол денгизининг қуриши оқибатида минтақада кескин ижтимоий ва экологик вазият пайдо бўлди. Оролнинг қуриган қисмидан миллионлаб тонна туз ва чанг кўтарилиб, жуда катта ҳудудда ҳаво ва тупроқ ифлосланишига сабаб бўлмоқда. Бу аҳоли саломатлигига, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсига ҳам салбий таъсир кўрсатаётир. Шу туфайли Оролбўйи генофондини асраш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мен 2002 йилдан буён Оролбўйида тадқиқот ишлари олиб бориш билан шуғулланаман. Ҳар йили Оролбўйи ҳудудига бориб, у ерда экологик вазиятни барқарорлаштириш учун Ўзбекистон томонидан зарур чора-тадбирлар амалга оширилаётганининг гувоҳи бўламан. Куни кеча Мўйноқ туманидаги аҳвол билан яна танишдим. У ердаги шифохоналарда аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш учун яратилган шарт-шароит мени ниҳоятда қувонтирди. Энг замонавий ускуналар билан жиҳозланган коллежлар, лицейлар, мактаблар, даволаш муассасалари хизмат кўрсатаётгани қувонарли ҳол. Бу мамлакатингиз раҳбарияти Орол муаммоси оқибатларини бартараф этиш йўлида изчил ҳаракат қилаётганидан далолат беради. Умид қиламанки, ўтказилган конференция келгусида Орол муаммосини бартараф этиш йўлида хизмат қилади.

Раҳмон Муҳаммад ал МУТАФА, Абу Даби тараққиёт жамғармасининг депозитарий бўйича бошқарувчиси:

— Сайёрамиздаги улкан экологик инқироз – Орол денгизи сувининг камайиши нафақат минтақа давлатлари, балки олис ҳудудларнинг экологик мувозанатининг бузилишига ҳам сабаб бўлмоқда. Марказий Осиё минтақаси давлатлари, хусусан, Ўзбекистон томонидан кўрилаётган чора-тадбирлар вазиятни яхшилашга хизмат қилаётир. Бироқ мазкур муаммони ҳал этиш йўлида бутун дунё мамлакатлари ҳамкорликда ҳаракат қилмоғи лозим.

Мазкур анжуманда экологик ҳалокат оқибатларини енгиллаштириш учун соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, маҳаллий аҳолининг ичимлик суви ва суғориш манбаларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, аҳоли бандлик даражасини ошириш, табиий муҳитни ҳимоя қилиш ва Оролбўйида биохилма-хилликни қайта тиклаш каби масалалар атрофлича кўриб чиқилди. Конференцияда дунёнинг нуфузли халқаро ташкилотларидан вакиллар иштирок этгани Орол муаммосини бартараф этишда халқаро ҳамкорлик йўлга қўйилганидан далолатдир.

(Давоми 2-бетда)

ОРОЛ МУАММОЛАРИНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЙЎЛИДАГИ ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

Тошкентда 12 март куни Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан "Орол муаммолари, уларнинг аҳоли генофонди, ўсимлик ва ҳайвонот оламига таъсири ҳамда оқибатларини енгиллаштириш учун халқаро ҳамкорлик чора-тадбирлари» мавзуидаги халқаро конференция бўлиб ўтди.

БМТ Ривожланиш дастурининг Шарқий Европа ва МДҲ мамлакатлари бўйича минтақавий бюроси директори ўринбосари Жейхан Султонўғли хоним конференцияни очди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг "Орол муаммолари, уларнинг аҳоли генофонди, ўсимлик ва ҳайвонот оламига таъсири ҳамда оқибатларини енгиллаштириш учун халқаро ҳамкорлик чора-тадбирлари» халқаро конференцияси иштирокчиларига табригини Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Рустам Азимов ўқиб эшиттирди.

Конференцияда дунёнинг 20 дан ортиқ давлати, жумладан, Марказий Осиё мамлакатлари, Германия, Греция, Исроил, Ҳиндистон, Хитой, Нидерландия, Россия, Япония ва бошқа давлатлардан, халқаро ва минтақавий ташкилотлардан, молия институтларидан вакиллар, экология, иқлим ўзгариши ҳамда сув ресурсларини бошқариш соҳаси бўйича таниқли олимлар ва мутахассислар иштирок этди.

Бугунги кунда сайёрамизда миллионлаб одамлар тоза ичимлик суви тақчиллигидан азият чекмоқда. Бу иқлими қуруқ мамлакатларда, айниқса яққол сезилмоқда. Оролбўйида экологик вазиятнинг ёмонлашиши минтақада экотизим мувозанатининг бузилишига олиб келди, сув ресурслари тақчиллигини кучайтирди. Бу эса минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳолининг турмуш шароити ва соғлигига, биологик хилма-хилликка салбий таъсир кўрсатмоқда. Бинобарин, ушбу муаммо минтақа давлатлари ҳамда халқаро ташкилотлар ҳамкорлигини кучайтиришни тақозо этмоқда.

Халқаро анжуман очилишида сўзга чиққан Шанҳай ҳамкорлик ташкилоти (ШҲТ) бош котиби Болат Нургалиев, МДҲ Ижроия қўмитаси раиси Сергей Лебедев, Осиё тараққиёт банкининг Марказий ва Ғарбий Осиёда қишлоқ хўжалиги ва табиий ресурслар бўйича департаменти директори Кацужи Мацунами, Жаҳон банкининг Марказий Осиё мамлакатлари бўйича минтақавий идораси директори Аннет Диксон, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Саломатлик дастурлари бўйича минтақавий директори Недрет Эмирўғли, ЮНИСЕФнинг соғлиқни сақлаш ва овқатланиш масалалари бўйича минтақавий маслаҳатчиси Санжив Кумар, ЮНФПАнинг Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари бўйича минтақавий директори Ален Муширу, ЮНИДОнинг Европа ва МДҲ давлатлари бўйича минтақавий бюроси директори Гжегош Доночик, Японияниг Халқаро ҳамкорлик агентлиги минтақавий идораси бошқарувчи директори ўринбосари Мацуёши Кавасаки, ГЭЖ/БМТРД ижрочи мувофиқлаштирувчиси Яник Глемарик ана шуларни алоҳида таъкидладилар.

(Давоми 2-бетда)

ДИҚҚАТ, АКЦИЯ!

"ЁШЛАР — ИШОНЧИМИЗ ВА ТАЯНЧИМИЗ"

Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси ҳамда "Адолат" ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти ҳамкорликда Ёшлар йили муносабати билан қўшма акция ўтказади

Акцияни ўтказишдан мақсад 2008 йил – Ёшлар йилида ёшларимизни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш, айниқса, чекка ҳудудларда истиқомат қилаётган иқтидорли ўғил-қизларни излаб топиш, кашф этиш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, маънавий онги ва тафаккурини бойитиш, шунингдек, ногирон, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган ёшларни қўллаб-қувватлашдир.

Бугунги кунда мамлакатимизда "Адолат" социал-демократик партиясининг 2000 дан ортиқ бошланғич ташкилоти фаолият кўрсатмоқда. Мазкур акция давомида уларнинг мавқеини янада ошириш назарда тутилган. Шу мақсадда ҳар бир бошланғич партия ташкилоти ҳомийларни жалб қилган ҳолда, бир нафар энг иқтидорли ёшни ҳамда яна бир нафар кам таъминланган, боқувчисини йўқотган ёки ногирон фуқарони "Адолат" газетасига йил охиригача обуна қилади. Обуна жараёнини шаҳар, туман ва вилоят Кенгашлари мувофиқлаштириб боради.

Акция жорий йилнинг 21 мартидан 21 апрелига қадар давом этади. Тадбир сўнггида иштирокчилар "Энг фаол туман Кенгаши", "Энг фаол шаҳар Кенгаши", "Энг фаол вилоят Кенгаши", "Энг яхши бошланғич ташкилот" номинацияларида бўйича рағбатлантирилади.

Номинацияларнинг ҳар бири 3 тадан ўринга эга. Ғолиблар 1-, 2-, 3-ўрин соҳиблари сифатида қимматбаҳо совғалар ҳамда Сиёсий Кенгаш фахрий ёрлиқлари билан мукофотланади.

Энг фаол партия Кенгаши ва бошланғич ташкилотларга бериладиган совғалар "Адолат" ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти томонидан ажратилади.

Акцияда партиянинг барча вилоят, шаҳар, туман кенгашлари, бошланғич ташкилотлари фаол иштирок этишларига ишонамиз. Зеро, партия манфаати ва нуфузи, қолаверса, партия ташкилотларининг сиёсий куч сифатида янада мустаҳкамланиши учун ҳисса қўшиш ҳар бир партиядошнинг муқаддас бурчидир.

ОРОЛ МУАММОЛАРИНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЙЎЛИДАГИ ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

(Давоми.Бошланиши 1-бетда)

Орол денгизи қуриши билан боғлиқ экологик инқирознинг асосий сабаблари аввалги даврларда ўйламасдан амалга оширилган хўжалик фаолияти, иқлим ўзгариши ва бошқа табиий жараёнлар билан боғлиқ. Оқибатда Орол денгизи сатҳи кейинги эллик йил ичида 4 баравардан кўпроққа қисқарди, сув 24 метрга пасайди, унинг ҳажми 10 мартага камайди.

Юртбошимиз жаҳон ҳамжамияти эътиборини юзага келган вазиятни яхшилаш учун комплекс чора-тадбирлар кўриш, биринчи навбатда, минтақа давлатлари томонидан Орол денгизи ҳавзасидаги чекланган сув ресурсларини бу ерда жойлашган барча мамлакатлар манфаатлари ва экологик талабларни ҳисобга олиб, ҳамкорликда, ўзаро келишилган ҳолда бошқаришни ташкил этиш зарурлигига қаратиб келади. Президент Ислом Каримов ШҲТга аъзо давлатлар раҳбарларининг 2007 йил августда Бишкекда бўлиб ўтган мажлисидаги маърузасида минтақа трансчегара сув оқимларидан фойдаланиш бўйича Ўзбекистоннинг юқоридаги тамойилларга асосланган нуқтаи назарини аниқ баён қилган эди.

Ўзбекистон истиқлолга эришгандан кейинги дастлабки йилларда Оролни қутқариш халқаро жамғармасини ва минтақанинг иккита тузилмаси – Барқарор ривожланиш бўйича давлатлараро комиссия ва Давлатлараро мувофиқлаштирувчи сув хўжалиги комиссиясини ташкил этишнинг ташаббускорларидан бўлди. Марказий Осиёнинг беш давлати раҳбарлари томонидан 1993 йилда Орол муаммоларини ҳал этиш, Орол минтақасини экологик соғломлаштириш ва ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга доир биргаликдаги саъй-ҳаракатлар тўғрисидаги битим, 1995 йилда Марказий Осиё мамлакатларининг ушбу соҳада ҳамкорликни кенгайтиришни кўзда тутган Нукус декларацияси имзоланди. Бу борада Орол денгизи ҳавзаси бўйича қўшма дастур амалга оширилмоқда.

Ўзбекистонда экологик бўҳрон оқибатларини енгиллаштириш масаласи давлат даражасида, комплекс равишда ҳал этилмоқда. Табиий ресурслардан фойдаланишни ва атроф-муҳитни ҳимоя қилиш фаолиятини тартибга солувчи қонунлар қабул қилинган. Мамлакатимиз ушбу соҳада асосий халқаро ҳужжатларга, жумладан, Трансчегара сув оқимлари ва халқаро кўлларни ҳимоя қилиш ҳамда улардан фойдаланиш конвенциясига қўшилган. Оролбўйи ҳудудига кирадиган Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятини умумий ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган кенг кўламли дастурлар изчил амалга оширилмоқда. Бундан ташқари, Орол денгизи минтақасидаги ҳудудларнинг экологик аҳволини яхшилаш, ер емирилишининг олдини олиш ва қишлоқ хўжалиги салоҳиятини ошириш, аҳолини соғломлаштириш, сув билан таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик, халқ ҳунармандчилигини ривожлантириш орқали қўшимча даромад олиш учун шарт-шароит яратиш бўйича қатор мақсадли лойиҳалар босқичма-босқич рўёбга чиқарилмоқда. Бунда аҳолини, биринчи навбатда, хотин-қизлар ва болаларни ижтимоий муҳофаза қилишни кенгайтиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Ўнлаб замонавий таълим ва соғлиқни сақлаш муассасалари барпо этилган.

Оролнинг қуриган қисмида қум кўчкиларини қотириш, қурғоқчилик ва шўрланишга чидамли ўсимликлар экиш ҳисобидан бу ерларни ўзлаштириш борасида катта ишлар амалга оширилмоқда. Бу эса аввал фойдаланилмаган ҳудудлардан яйлов сифатида фойдаланиш, пировардида чорвачиликни ривожлантириш имконини беради. Амударёнинг дельта ҳудудида сув майдони 150 минг гектардан ошадиган сув ҳавзалари ташкил этилмоқда. Бу ерда балиқчилик хўжаликлари иш бошлади. Буларнинг барчаси минтақани иқтисодий ривожлантиришга, аҳоли бандлигини оширишга, биохилма-хилликни тиклаш ва иқлимни яхшилашга ёрдам беради. Конференция иштирокчилари форум арафасида Оролбўйида бўлиб, бунга ишонч ҳосил қилдилар.

Кўплаб халқаро ташкилотлар, жумладан, БМТ таркибидаги агентликлар, молия институтлари – Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки ва бошқалар ҳам Оролбўйидаги вазиятни барқарорлаштиришга кўмаклашмоқда. Масалан, Глобал экологик жамғарма кўмагида Оролни қутқариш халқаро жамғармасининг Нукус филиали томонидан 22 лойиҳа ишлаб чиқилиб, уларнинг аксарияти амалга оширилди.

Конференцияда Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси Борий Алихонов, соғлиқни сақлаш вазири Феруз Назиров, иқтисодиёт вазирининг биринчи ўринбосари Галина Саидова, "Ўзгидромет" маркази бош директори Виктор Чуб, "Экосан" халқаро ташкилоти раиси Юсуф Шодиметов, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутати Ўрал Атаниёзова ва бошқалар шулар ҳақида сўз юритдилар.

Таъкидланганидек, Оролбўйидаги экологик инқироз билан боғлиқ кўпгина муаммоларни бир мамлакатнинг саъй-ҳаракатлари билан ҳал этиб бўлмайди. Шу боис, форумда таъкидланганидек, Орол ҳавзаси сув ресурсларини бошқариш ва фойдаланиш тизимини мавжуд давлатлараро битимлар доирасида такомиллаштириш лозим. Бундай ҳамкорликни умумэътироф этилган халқаро меъёр ва қоидаларни ҳисобга олган ҳолда ривожлантириш зарур. Минтақадаги барча давлатларнинг трансчегара сув оқимлари ва кўлларни ҳимоя қилиш, уларнинг сув ресурсларидан фойдаланиш бўйича халқаро ҳужжатларга қўшилиши ҳам бу борадаги ишларга кўмаклашади.

Конференция доирасида параллел сессиялар ҳам бўлиб ўтди. Ўларда Марказий Осиёда сув ресурсларини бошқаришни такомиллаштириш истиқболлари, экологиянинг аҳоли генофонди ва саломатлигига таъсири, бу борадаги вазифаларни ҳал этиш йўллари, Оролбўйида турмуш даражасини ошириш чора-тадбирлари каби муҳим масалалар кўриб чиқилди.

Анжуман якунида "Орол муаммолари, уларнинг аҳоли генофонди, ўсимлик ва ҳайвонот оламига таъсири ҳамда оқибатларини енгиллаштириш учун халқаро ҳамкорлик чора-тадбирлари» мавзуидаги халқаро конференциянинг Тошкент декларацияси қабул қилинди.

Анна ИВАНОВА,
ЎзА мухбири

СЎЗ – КОНФЕРЕНЦИЯ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

(Давоми.Бошланиши 1-бетда)

Шуичи ХИРАЯМА, Япония сув форумининг минтақавий мувофиқлаштириш директори:

– Ўзбекистон раҳбарияти томонидан Орол муаммосига бағишланган ана шундай йирик анжуманнинг ўтказилгани диққатга сазовор. Чунки фожиага юз тутган улкан денгизни сақлаб қолиш бугунги кунда энг йирик экологик муаммолардан бирига айланган.

Мамлакатингизда Оролбўйида экологик муҳитни яхшилаш, ушбу муаммога халқаро ҳамжамият диққатини қаратиш ва минтақадаги давлатлар билан ҳамкорликда муаммоларни ечиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётгани эътиборга молик. Бироқ мазкур глобал муаммо оқибатларини енгиллаштириш йўлида биргаликда ҳаракат қилишимиз, бу ишга кенг жамоатчиликни жалб этишимиз ва халқаро ҳамкорликни янада кенгайтиришимиз лозим.

Анжуман якунида "Орол муаммолари, уларнинг аҳоли генофонди, ўсимлик ва ҳайвонот оламига таъсири ҳамда оқибатларини енгиллаштириш учун халқаро ҳамкорлик чора-тадбирлари» мавзуидаги халқаро конференциянинг Тошкент декларацияси қабул қилинди. Ўтказилган конференция ва мазкур декларация минтақадаги экологик ҳолатни яхшилаш, тупроқ қатламини, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини тиклаш, қишлоқ хўжалигини илмий асосланган тизимга ўтказиш, сув захираларидан фойдаланишнинг тежамкор усулларини ишлаб чиқиш, минтақада истиқомат қилаётган аҳолининг турмуш даражасини янада яхшилашга хизмат қилишига шубҳа йўқ.

Санжив КУМАР, ЮНИСЕФнинг Марказий, Шарқий Европа ва МДҲ мамлакатларида соғлиқни сақлаш ва овқатланиш масалалари бўйича минтақавий маслаҳатчиси:

– Тошкентда ташкил этилган Орол минтақаси муаммолари бўйича халқаро конференция ташкилий жиҳатдан юқори савияда ўтди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг конференция иштирокчиларига табриги мамлакатингизда ушбу муаммоларни ҳал этишга нечоғли жиддий эътибор қаратилаётганидан далолат беради. Ўтган йили Ўзбекистон Президенти ШҲТга аъзо давлатлар раҳбарларининг Бишкекда бўлиб ўтган мажлисидаги маърузасида Орол инқирози оқибатларини бартараф этиш учун жаҳон ҳамжамияти саъй-ҳаракатини бирлаштириш тўғрисидаги масалага эътиборни қаратди. Мазкур конференция мавзуининг давлат даражасида қўллаб-қувватлангани унинг самарадорлиги кафолатидир.

Менимча, конференция иштирокчилари учун Оролбўйига уюштирилган сафар тўғри қабул қилинган қарор бўлди. Улар ушбу минтақага сафар чоғида экологик инқироз кўламини ўз кўзи билан кўрди ва муаммони бир мамлакат ҳал эта олмаслигига ишонч ҳосил қилдилар. Бунинг учун нафақат Марказий Осиё давлатларининг яқин ҳамкорлиги, балки конференцияда вакиллари иштирок этган БМТнинг барча агентликлари, бошқа халқаро ташкилотлар ва донорларнинг ҳам кўмаги талаб этилади. Мен конференция ишидан қониқиш ҳосил қилдим. Негаки, унда юзага келган вазиятнинг барча жиҳатлари батафсил муҳокама этилди ва уни ижобий томонга ўзгартириш йўллари кўриб чиқилди.

Минтақада яшаётган болалар саломатлигини яхшилаш билан боғлиқ масалаларга кўп вақт ажратилгани жуда муҳимдир. Чунки, болалар аҳолининг энг ҳимояга муҳтож тоифаси бўлиб, экология ўзгаришлари оқибатлари уларнинг келгусидаги ҳаётига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Эндиги асосий вазифа – конференцияда белгиланган устувор вазифаларни бажаришга киришиш, биргаликда ҳаракат қилишдан иборат. Ўзбекистон барча манфаатдор ташкилотлар учун лойиҳалар рўйхатини тайёрлади. Уларнинг амалга оширилиши эса Оролбўйидаги вазиятни тубдан ўзгартириши мумкин. ЮНИСЕФ қатор йиллардан буён Ўзбекистонга, жумладан Оролбўйида оналик ва болаликни муҳофаза этиш борасидаги лойиҳаларни рўёбга чиқаришда ёрдам бериб келмоқда. Ушбу самарали ҳамкорлик давом эттирилади.

(ЎзА)

Ҳельмут ЛИИТ, Оснабрюк университети профессори (Германия):

– Мен инсон ва атроф-муҳит ўртасидаги муносабатни ўрганадиган экология тизими соҳасида иш олиб бораман. Конференция ташкилотчилари бу ерга турли мамлакатлардан кўплаб йўналишларда фаолият юритаётган олимлар ва экспертларни таклиф этгани мамлакатингизда экология ва унинг ҳаётнинг барча соҳаларига таъсири масалаларига катта эътибор қаратилаётганидан далолат беради.

Орол муаммоси жуда жиддий, аммо уни ҳал этиш мумкинлигига ишончим комил. Албатта, Орол денгизи ҳавзасидаги дарёлар сувидан келгусида ҳам ривожланиш, биринчи навбатда, ерларни суғориш мақсадида фойдаланиш зарур. Бироқ, бу борадаги ишларни аввалги даврларга қарагандa ҳар томонлама пухта ўйлаган ҳолда, экотизим мувозанатини бузмасдан амалга ошириш лозим. Мен олим сифатида биринчи галда, мавжуд сув ҳавзаларида балиқчиликни қайта тиклашга эътибор қаратиш лозим, деб ҳисоблайман. Буни, соҳада замонавий, сувни тежайдиган технологиялардан фойдаланган ҳолда, муваффақиятли амалга ошириш мумкин. Масалан, Германияда бундай технологиялар синовдан ўтказилиб, бугунги кунда самарали қўлланилмоқда. Балиқчилик хўжалигини тиклаш аҳоли бандлигини оширади, бошқа соҳаларни ҳам ривожлантириш ва пировард натижада, Орол минтақасидаги барча ҳудудларни иқтисодий ҳамда ижтимоий тараққий эттириш имконини беради.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

13 март куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери Д.Тошмуҳамедова олиб борди.

Депутатлар Қонунчилик палатаси Кенгаши тақдим этган кун тартибини тасдиқладилар.

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг 2007 йилги ҳисоботи тўғрисида палата раиси Б.Мусаев маъруза қилди. Маърузада таъкидландики, ҳисобот даврида Ҳисоб палатасининг фаолияти мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларини рўёбга чиқаришга доир устувор вазифалардан келиб чиққан ҳолда олиб борилди. «Бюджет тизими тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини бажара бориб, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ижросининг ташқи аудити ўтказилди, Давлат бюджети даромадларини ва бюджетдан ташқари мақсадли фондларни шакллантиришнинг тўлиқлиги текширилди.

Тузилмавий ислоҳотлар миқёсини кенгайтириш мақсадида ким ошди, биржа ва танлов савдолари орқали давлат активларининг реализация қилиниши, шунингдек хусусийлаштиришдан келадиган маблағларнинг ўз вақтида тушиши ва тўғри тақсимланиши ўрганилди. Солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш, ресурсларни тежаш ва улардан оқилона фойдаланиш мақсадида айрим тармоқларда бюджет фондлари ва бюджетдан ташқари фондларга қарздорликнинг юзага келиш сабаблари ўрганилди. Давлат бюджети маблағларидан оқилона фойдаланилишини таъминлаш мақсадида сиёсий партиялар молиявий маблағларининг шаклланиши ва улардан мақсадли фойдаланилиши текширилди.

Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг 2007 йилги ҳисоботини маъқуллади ва тегишли қарор қабул қилди.

«Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг раиси Н.Исмоилов тақдим этди.

Савол-жавоблар ва айрим ҳуқуқий нормаларни янада такомиллаштиришга қаратилган таклифлар муҳокама қилинганидан кейин депутатлар Қонунни қабул қилдилар. Қонун маъқуллаш учун Сенатга юборилади.

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг аъзоси Ф.Ражабов «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида маъруза қилди. Савол-жавоблардан кейин ҳужжат моддама-модда муҳокама қилинди, муҳокама давомида барча сиёсий партиялар фракцияларининг вакиллари мамлакатимизда фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига тажовуз қилиш бундай турининг олдини олиш учун пухта ҳуқуқий база яратиш муҳимлигини таъкидладилар. Қонун лойиҳасининг айрим нормаларини такомиллаштиришга қаратилган таклифлар киритилди. Билдирилган фикрларни ҳисобга олган ҳолда Қонунчилик палатаси қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда қабул қилди ва масъул қўмитага уни учинчи ўқишда кўриб чиқиш учун маромига етказишни топширди.

«Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 224-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари С.Жабборов тақдим этди. Ҳужжатни такомиллаштириш юзасидан қатор таклифлар билдирилган муҳокамадан кейин Қонунчилик палатаси Қонунни қабул қилди.

Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси аъзоси С.Абдуллаевнинг маърузаси юзасидан депутатлар «Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисидаги конвенцияни (Женева, 1973 йил 26 июнь) ратификация қилиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар. Муҳокама давомида киритилган таклифларни эшитиб ҳамда муҳокама қилиб, депутатлар ҳужжатни маъқулладилар ва Қонунни қабул қилдилар.

«Болалар меҳнатининг оғир шаклларини тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилинч чоралар тўғрисидаги конвенцияни (Женева, 1999 йил 17 июнь) ратификация қилиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини депутатлар кўриб чиқиши учун Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитасининг аъзоси Г.Аннақличева тақдим этди. Савол-жавоблар ва келиб тушган таклифларнинг батафсил муҳокамасидан кейин Қонунчилик палатаси Қонунни қабул қилди.

«Миллий музей фонди ва музейлар тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг аъзоси О.Исаев маъруза қилди. Депутатлар ҳужжатни муҳокама қилиш чоғида келиб тушган таклифларни ҳисобга олган ҳолда қонун лойиҳасининг асосий қоидаларини маъқуллаб, уни биринчи ўқишда қабул қилдилар.

(ЎзА)

Фракция йиғилиши

МУҲОКАМАДА ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон "Адолат", "Фидокорлар" ва "Миллий тикланиш" партиялари фракцияларининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда дастлаб Республика Ҳисоб палатасининг 2007 йилдаги фаолияти бўйича ҳисоботи тингланди. Мазкур палата томонидан "Бюджет тизими тўғрисида"ги қонун ижросини таъминлаш мақсадида давлат бюджетининг 2006 йилдаги ижроси бўйича ҳисоботи ташқи аудитдан ўтказилган. Шу билан бирга, давлат бюджети ва бюджетдан ташқари жамғармалар даромадларининг тўлиқ шакллантирилиши ҳамда харажатларнинг мақсадли сарфланиши текширилган. Бюджет маблағларидан оқилона фойдаланишни таъминлаш мақсадида сиёсий партиялар молиявий даромадларининг шакллантирилиши, тўғри сарфланиши ўрганилганлиги таъкидланди.

"Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 224-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси фракциялар аъзолари муҳокамасида бўлди. Ушбу моддада Ўзбекистон Республикасида транзит тарзда ўтиш қоидаларини бузган ёки такроран бузган чет эл фуқароларининг жиноий жавобгарлик масаласи белгиланган. Бу эса ноқонуний миграцияга қарши курашга қаратилган чораларнинг самарадорлиги ҳамда чет эл фуқароларининг қонунларга риоя қилиш масъулиятини оширади.

"Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисидаги Конвенцияни (Женева, 1973 йил 26 июнь) ратификация қилиш ҳақида"ги ҳамда "Болалар меҳнатининг оғир шаклларини тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилинч чоралар тўғрисидаги конвенцияни (Женева, 1999 йил 17 июнь) ратификация қилиш ҳақида"ги қонун лойиҳалари ҳам депутатлар томонидан қизғин муҳокама қилинди. Фракциялар ушбу лойиҳаларни ратификация қилиш муҳим аҳамиятга эга эканлигини эътироф этгани ҳолда уни маъқуллашга келишиб олишди.

Қўшма йиғилиш кун тартибидан ўрин олган "Миллий музей фонди ва музейлар тўғрисида"ги қонун лойиҳаси (биринчи ўқиш) хусусида Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси Одилжон Исаев маърузаси тингланди.

– Мулкчилик шакллари ва муассисларидан қатъи назар, мамлакатимиздаги музейлар бўйича музей ашёларининг умумий сони, аҳволига оид умумлашма маълумотлар мавжуд эмас, – деди нотиқ ўз сўзида. – Бу эса музей муассасаларининг фаолиятини тартибга солишда муаммоларга дуч келишига сабаб бўлмоқда. Мазкур қонун лойиҳаси юқоридаги каби муаммоларни бартараф этишга хизмат қилади.

Фракциялар аъзолари қонун лойиҳасини ўз таклиф ва мулоҳазарини билдирган ҳолда биринчи ўқишда маъқуллашди.

Фарҳод ЭСОНОВ,
"Адолат" мухбири.

ШИФОХОНАДА БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТ

Ўзбекистон "Адолат" СДП Қашқадарё вилояти Кенгаши энг фаол ҳудудий партия ташкилотларидан биридир. Вилоят Кенгаши аъзолари, партия фаоллари саъй-ҳаракати билан аҳоли ўртасида партиянинг дастурий ғояларини кенг ва самарали тарғиб қилишга жиддий эътибор қаратмоқда.

Партия нуфузини оширишда бошланғич ташкилотлар фаоллиги, ҳаракатчанлиги ва ташаббускорлиги ғоятда муҳим аҳамият касб этади. Шу маънода, ҳозирги кунда вилоятда бошланғич партия ташкилотлари сони ортиб бораётгани эътиборлидир.

Косон тумани Марказий шифохонасида партия дастури ва вазифаларига бағишланган давра суҳбатида шу ҳақда сўз юритилди. Йиғилиш кун тартибидаги масала юзасидан туман партия Кенгаши биринчи котиби Маҳмуд Қобилов маъруза қилди.

Тадбирда саломатлик посбонларидан ўн нафари аъзоликка қабул қилиниб, бу ерда бошланғич партия ташкилоти тузилди.

С.КОМИЛОВ,
«Адолат» мухбири.

Тадбир

ДЕПУТАТЛАР ТАЛАБАЛАР ҲУЗУРИДА

Мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашга алоҳида эътибор берилмоқда. Айниқса, 2008 йилга "Ёшлар йили" мақоми берилгани ва Давлат дастурининг қабул қилинганини ёш авлод камолоти йўлидаги ишларни янада кучайтирди.

Пойтахтимиздаги "Ёшлик" талабалар шаҳарчасининг "Маънавият ва маърифат" марказида бўлиб ўтган "Ёшларга оид давлат сиёсатининг ҳуқуқий асослари: ҳолати ва истиқболлари мавзусидаги" семинарда шулар ҳақида батафсил сўз юритилди.

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ташаббуси билан ўтказилган тадбирда сўзга чиққан депутатлар мамлакатимиз аҳолисининг салмоқли қисмини ташкил этадиган ёшларни ҳар томонлама етук шахслар этиб тарбиялаш, йигит-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳукуматимиз сиёсатининг устивор йўналишларидан эканини алоҳида қайд этишди.

– Ёшларнинг ҳаётда ўз ўринларини топиши учун зарур шароитлар яратиш бундан кейин ҳам давлатимиз сиёсатининг устувор вазифаси бўлиб қолади, – деди жумладан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Зуҳра Ботирова. – Айни чоғда иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш мақсадида ташкил этилган Зулфия номидаги ҳамда "Ниҳол" мукофотлари, "Янги авлод", "Келажак овози" кўрик-танловлари, Президент стипендияси, Беруний, Ибн Сино, Навоий номидаги стипендиялар истеъдод эгаларини кашф этишда муҳим омил бўлаяпти.

Мамнуният ила таъкидлаш керакки, тадбирда талаба ёшлар жуда фаол иштирок этишди. Депутатларга ўзларини қизиқтирган турли хил саволлар билан мурожаат этиб, парламент қуйи палатасининг бугунги кундаги фаолияти тўғрисида чуқур маълумотга эга бўлишди.

– Семинар биз, ёшларда катта таассурот қолдирди, – дейди Тошкент Давлат техника университети талабаси Алишер Ҳакимов. – Мамлакат парламенти вакиллари – депутатлар билан юзма-юз мулоқотда бўлиш, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фаолияти билан танишиш бизларга келгусида, албатта, асқотади.

Шу куни депутатлар талабалар ҳаёти билан яқиндан танишиш мақсадида талабалар турар жойларини ҳам кўздан кечиришди. Файзли ва кўркам Талабалар шаҳарчасида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари – Юсибжон Нишонов, Исмоил Саифназаров, Абдулла Абдуназаров, Зуҳра Ботирова, Собир Турсунов, Худоёр Маматов ва Мамит Асқаровлар билан ўтган қизиқарли мулоқотлар, суҳбатлар давомида ўнлаб ёшлар "Адолат" партиясига аъзо бўлиш иштиёқи уйғонганлигини зўр қувонч билан таъкидлашди.

Матёқуб НАРЗИЕВ,
«Адолат» мухбири.

Партия ҳаётидан

"ЁШЛАР МАРКАЗИ"ДА ДАВРА СУҲБАТИ

Қашқадарё вилояти партия Кенгаши ташаббуси билан Қарши шаҳридаги "Ёшлар маркази"да талаба ёшлар ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг учрашуви ўтказилди.

Тадбирда "Ёшлар йили" Давлат дастурининг аҳамияти, ёшларнинг жамият ҳаётида тутган ўрни ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

– Бугунги кунда юртимиз аҳолисининг 40 фоизини 18 ёшгача, шунингдек, 64 фоизини 30 ёшгача бўлган навқирон авлод ташкил этади, – деди учрашувда сўзга чиққан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, "Адолат" СДП фракцияси аъзоси Худоёр Маматов. – Бу ёш авлодни мамлакат тараққиётининг етакчи кучига айлантириш масаласи жамоатчилигимизнинг диққат марказида туриши лозимлигини англатади. Демакки, ёшлар манфаатларини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий базани янада мустаҳкамлаш, истеъдодли талабаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш муҳим вазифа саналади.

Йиғилишда вилоят партия Кенгаши томонидан жорий йилда амалга оширилиши зарур бўлган вазифалар ҳам кенг муҳокама қилиниб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

КЕНГАШ ТАШАББУСИ

Шаҳрихон тумани партия Кенгаши ташаббуси билан туман ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида Наврўз байрами муносабати билан тадбир бўлиб ўтди.

"Бешариқ" маҳалла фуқаролар йиғинида бўлиб ўтган ушбу тадбирда миллий анъаналаримиз уйғунлашган ўйинлар, қадриятларимиз ўз аксини топган кўргазмали чиқишлар намойиш қилинди.

Тадбирда 75 та кам таъминланган оилага ҳомий ташкилотлар ҳамда туман партия Кенгаши томонидан моддий кўмак берилди.

Банк ва мижоз

КРЕДИТЛАР ФАРОВОНЛИККА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

— дейди "Микрокредитбанк" АТБнинг Самарқанд вилояти бошқармаси бошлиғи Олим Баҳриев

Бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорларнинг муваффақиятли фаолият юритиши уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга, хусусан тижорат банклари томонидан кредитлар ажратилишига бевосита боғлиқ. Чунки тадбиркорлик субъектларининг барчаси ҳам етарли маблағга эга эмас. Кимдир бошланғич сармояни шакллантиришга қийналади, яна кимдир ўз фаолиятини ривожлантиришда муаммоларга дуч келади.

Буни яхши англаб етган акциядорлик тижорат "Микрокредитбанк"нинг Самарқанд вилояти бошқармаси ва унинг филиаллари замон талабига мос тарзда фаолият кўрсатиб келмоқда.

Банк томонидан 2008 йил 1 январь ҳолатига кўра вилоят бўйича жами 656 та тадбиркорлик субъектига 2041782,8 минг сўм миқдорида микромолиявий хизматлар кўрсатилди. Шундан 313 та тадбиркорга бошланғич сармояни шакллантириш учун 582924 минг сўм, 343 та тадбиркорга эса бизнесни ривожлантириш ва айланма маблағни тўлдириш учун 1458858,8 минг сўм миқдорида микрокредитлар ажратилди.

Банк мутасаддилари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланаётган хотин-қизларга имтиёзли шартлар асосида микрокредитлар ажратишга эътибор қаратаётгани банк нуфузини янада ошишига хизмат қилаяпти. Шу мақсадда алоҳида дастур ишлаб чиқилиб, тадбиркор аёллар 856951,2 минг сўм миқдоридаги имтиёзли кредитлар билан таъминланди.

– Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерликни ривожлантириш орқали қишлоқ жойларида янги иш ўринлари яратиш мақсадида ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда ўқув семинарлари ўтказиб келаяпмиз, – дейди банк бошқармаси бошлиғи Олим Баҳриев. – Бу тадбирларда микрокредитларнинг афзаллик жиҳатлари жонли мисоллар орқали тушунтириб берилмоқда. Шу ўринда яна бир гап. Ана шу ўқув семинарлари давомида кам таъминланган оилалар аниқланиб, "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллари кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент қарори ижроси юзасидан бугунги кунга қадар 384 та кам таъминланган оилага 354 миллион 500 минг сўм миқдорида имтиёзли микрокредитлар ажратилди.

Дарвоқе, Президентимизнинг 2007 йил 18 майдаги "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонига асосан ёш оила аъзоларига 2008 йил 1 январь ҳолатига 885,7 миллион сўм кредит маблағлари имтиёзли шартлар асосида берилгани банкнинг аҳоли ишончини қозониб бораётганидан далолатдир.

Олим ҲАКИМОВ,
"Адолат" мухбири.

Мамлакатимизда касаначиликни ривожлантириш бўйича қатор амалий ишлар олиб борилмоқда. Натижада юртимизнинг чекка ҳудудларида ҳам хусусий бизнеснинг жадал ривожланиб бораётганига гувоҳ бўлиш мумкин.

Фарғона вилоятининг Риштон туманидаги «Чиннигарон» маҳалласида ҳам касаначилик билан шуғулланувчи оилалар кўп. Шокиржон Йўлдошев хонадони ана шундай оилалар сирасига киради. Улар тайёр сопол ва чинни маҳсулотларига нақш бериш билан шуғулланишади. Мана, тўрт йилдирки, бу хонадон юртдошларимизга рўзғорбоп буюмлар етказиб бермоқда.

Суратда: хонадон аъзоси Юлдуз Йўлдошева ўзларида тайёрланган маҳсулотдан мамнун.

Навоий вилояти:

ИҚТИСОДИЙ ЮКСАЛИШ ЙЎЛИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда)

Дарҳақиқат, ишлаб чиқариш, саноат, индустрия жадал ривожланиб бораётган Навоий вилоятида бу борада амалга оширилаётган ишлар кўлами йил сайин кенгайиб бормоқда. Вилоятда ўтган йили кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси ҳамда чорвачиликни ривожлантириш орқали 30 мингга яқин иш ўринлари яратилди. Айниқса, саноат корхоналари билан кооперациялаш негизида касаначилик жадал ривожланиб, 5 мингдан зиёд янги иш ўринлари ташкил қилингани эътиборга сазовор. Бундан ташқари, вилоят бўйича аввалги йиллари шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида мавжуд қорамоллар сони 244,4 минг бошни ташкил қилган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 262,6 минг бошга етди.

Аҳоли даромадларини оширишга қаратилган амалий чора-тадбирлар туфайли вилоят аҳолисининг реал даромадлари 2006 йилга нисбатан 28 фоизга ошди. Шунингдек, ялпи ҳудудий маҳсулот 6,3 фоизга, шундан, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 1,8, истеъмол товарларини ишлаб чиқариш 10,1, қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти 7,9, капитал қўйилмалар 23,9, хизматлар ҳажми 29,3, ташқи савдо айланмаси 25,2 ва экспорт ҳажми 35,3 фоизга ўсиши таъминланди.

Иқтисодиётнинг барқарор ривожига саноат корхоналарини модернизация қилиш, маҳаллий хомашёдан рақобатбардош тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни киритиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадаллаштириш орқали эришиш мумкин. Жорий йилда Навоий кон металлургия комбинатининг хом ашё базасини кенгайтириш, "Навоийазот" ва "Қизилқумцемент" акциядорлик жамиятларининг ишлаб чиқариш линияларини модернизация қилиш режалаштирилмоқда.

– Жорий йилда вилоятда пахтани қайта ишлашни кўзда тутувчи учта йирик лойиҳа амалга оширилиб, маҳсулотнинг салмоқли қисми экспорт қилиниши кутилмоқда, – дейди вилоят ҳокими ўринбосари Салоҳиддин Самадов. – Жумладан, "Бахттекстил" қўшма корхонасининг иккинчи навбати ишга туширилиб, 2070 минг АҚШ доллари миқдорида хорижий кредит ўзлаштирилади. Натижада корхонада йилига 5 минг тоннагача пахта толасидан калава ип тайёрлаш имкони туғилиб, тайёр маҳсулот экспорти 5,5 миллион АҚШ долларини ташкил этади, қўшимча 110 та иш ўрни яратилади. Навбаҳор туманида эса умумий лойиҳа қиймати 5,5 миллион АҚШ долларига тенг "Навбаҳор-Текс" хорижий корхонаси йилнинг учинчи чорагида фойдаланишга топширилади. У ишга тушгач, 146 киши муқим иш билан таъминланади.

Айни пайтда мамлакатимиз ва Россия ўртасида иқтисодий алоқаларнинг тобора равнақ топиб бораётганини вилоятдаги қатор корхоналар, масалан, Зарафшон шаҳридаги "Қизилқум манифактураси" қўшма корхонаси фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин. Бугунги кунда қурилиш ишлари жадал олиб борилаётган мазкур объектда жорий йилда 2 миллион, келгуси йилнинг учинчи чорагига қадар 6 миллион АҚШ доллари миқдорига тенг маблағ ўзлаштирилгач, у тўла қувват билан ишлай бошлайди. Бу корхонада 130 та янги иш ўрни яратилиб, йилига қарийб 5 минг тонна пахтани қайта ишлаш, шунингдек, 200 тонна акрил калава тайёрлаш йўлга қўйилади, деганидир.

Дарвоқе, вилоятда 2008 йилда хорижий инвестицияларни жалб этиш ҳудудий дастурига кўра, 13 та лойиҳа амалга оширилиши – 17,4 миллион АҚШ доллари миқдоридаги инвестициялар ўзлаштирилиши истиқбол режаси сифатида белгиланган. Бу режа амалга ошса, йиллик қиймати 43,8 миллиард сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, қарийб 10 миллион АҚШ долларига тенг маҳсулот экспорти йўлга қўйилади.

Мухтасар айтганда, буларнинг ҳаммаси вилоят аҳолиси ҳаётининг фаровонлигига, унинг реал даромадларининг ошиб боришига хизмат қилади.

Бахтиёр ТОШНАЗАРОВ,
"Адолат" мухбири.

АРЗОН ШЎРВА ТАТИМАС...

Яқинда синфдош дўстлар билан бирга қадрдон бир оғайнимизникида ўтирган эдик. Кутилмаганда Шариф исмли биродаримиз тўй маросимини қайсидир студияда видеокассетадан DVD дискига қойилмақом қилиб кўчиртирганини айтиб, гап орасида "сифатига гап йўқ", дея мақтаниб қўйди...

Барчамизнинг нигоҳимиз телевизор экранига қадалди. Бошланиши чакки эмасди. Орадан 15-20 дақиқалар ўтиб, аввалига экранда гавдаланган кишиларни таниб олиш қийинлашди, кейин тасвир "энди ўнгланди" деганда овоз "ортда" қолди. Хуллас, синфдошлар асаби бузилиб, уни ўчириб қўя қолишди.

– Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 29 июндаги "Гастроль-концерт фаолияти соҳасида солиқ солишни ва аудио-видео кассеталарни тарқатишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори айни мана шу масалага қаратилган, – дейди Наманган вилояти Давлат солиқ бошқармаси бўлим бошлиғи Бахтиёржон Бобоев. – Жойларда мазкур йўналишда семинар-йиғилишлар ўтказиб келаяпмиз. Лекин тушунтиришларга қарамай қатор қонунбузарлик ҳолатлари қайд этилмоқда. Жумладан, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида аудио-видео, лазер дисклар билан ноқонуний савдо қилиш бўйича ўтказилган текширишлар якунига кўра, 5822 дона 5551,7 минг сўмлик аудио-видео ва лазер дисклар далилий ашё сифатида олиб қўйилишига тўғри келди...

Очиғи, бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Аммо муддаомиз бировни ёмонотлиқ қилиш эмас, балки кишиларни яна бир карра ҳушёрликка чақириб, диск сотиб олмоқчи бўлган харидорларни сотувчидан маҳсулотнинг сифат сертификатини талаб қилишлари лозимлигини эслатиб ўтишдир. Акс ҳолда, арзонига қизиқиб, чув тушиб қолишлари ҳеч гапмас. Халқимиз "арзон шўрва татимас" деб бежиз айтмаган.

Баҳодир ҲАМИДОВ,
Наманган вилояти Давлат солиқ бошқармаси ахборот хизмати бош мутахассиси.

Тафсилот

"МУМКАТАК" ТАШВИШИ

сайёрамизда уяли алоқа воситасидан фойдаланаётганлар сони 3,3 миллиард кишига етди

Бугунги кунда дунёда замонавий технология воситалари орасида уяли алоқа ва интернет тармоқлари анча ривожланган. Юртимизда ҳам бу икки тизимга қизиқиш кун сайин ортиб бораётир. Аммо "ўргимчак тўри"нинг кўрсаткичлари "сотка"дай илдам эмас. Ҳозир интернетдан фойдаланувчилар сони 2 миллион кишидан зиёд бўлса, уяли алоқа компаниялари абонентлари 6 миллионга етиб қолди.

Ўзининг 35 йиллик тарихи мобайнида уяли алоқа воситаси бир неча босқичлардан ўтди. Дастлабки қўл телефонлар қиммат ва бироз бесўнақай бўлгани туфайли чўнтакларимиз андак кўтара олмади. Аммо янги аср пойқадами мазкур замонавий технология учун анча қутлуғ келди. 2001-2002 йиллар давомида уяли алоқанинг янги турлари кашф этилгач, мазкур хизматдан фойдаланувчилар сони кескин ошиб кетди – абонентлар сони дунё бўйича 1 миллиардни ташкил этди. Айни пайтда эса бу кўрсаткич 3,3 миллиардга етди. Бу уяли алоқа аппарати кашф этилгандан сўнг кейинги 20 йилда кузатилмаган кўрсаткичдир.

Ўтган асрнинг 90-йилларида "сотовая связь" деган русча иборани айрим журналистлар "юзлик алоқа", деб таржима қилишганди. Аммо муҳандислар бундай "билағон" қаламкашларга "100" рақамига бу алоқа тизимининг ҳеч қандай боғлиқ жойи йўқлигини тушунтиришди: "сотка" – бу асалари уяси, яъни мумкатак. Мумкатакнинг эса қўлда кўтариб юрадиган телефон аппаратига бевосита алоқаси бор! Зеро, абонентларни оператор билан боғлайдиган станциялар жойлашуви мумкатакни эслатади.

Ўзбекистонда биринчи уяли алоқа компанияси – "Уздунробита" 1991 йили ташкил этилганди. Кейинчалик аста-секин республикамизнинг йирик шаҳарларида "мумкатак уялари" қурила бошланди. Тез орада бошқа операторлар ҳам – "Unitel", "Coscom", "Perfectum Mobile", "Uzbektelekommobile" уяли алоқа компаниялари ишга туширилди. Дастлабки мобиль телефонлар оғир ва бесўнақай бўлиб, улардаги батареялар қуввати узоғи билан 8 соатга етарди. Сўнгги русумдаги телефонлар эса ҳар жиҳатдан қулай, қарийб 100 соат ишлайди.

Бу симсиз алоқа мўъжизаси ҳеч кимни беэътибор қолдирмагани шубҳасиз. Дастлаб қўлида кичикроқ чойнақдай "сотка"ни кўтариб юрган киши бошқаларда ҳавас уйғотарди. Аппаратнинг нархи 1000 долларгача, бир дақиқалик сўзлашув эса таърифларга кўра, 1 доллардан 4 долларгача эди. Аммо рақобат кучайиб боргани боис, сўзлашув нархлари йилдан-йилга пасайди. Бу жараён ҳозир ҳам давом этмоқда.

Айни пайтда Ўзбекистонда деярли барча операторларда 1 дақиқалик «ҳангома» ўртача 2-3 цент, яъни 20-30 сўм атрофида. Электрон "мумкатак" ичидаги жами абонентлар сони республикамиз бўйича 6 миллионга етган. Энг йирик оператор сифатида "МТС – Ўзбекистон" компанияси улоқни қўлдан бераётгани йўқ: унинг мижозлари сони 3 миллиондан зиёд. Кейинги ўринларни "Билайн" (2 миллиондан ортиқ), "Coscom" ва "Perfectum Mobile" уяли алоқа компаниялари банд этган.

Юртимизда бирор компаниянинг янги хизмат тури эълон қилинса, ундаги рекламалар етти ёшдан етмиш ёшгача – барчани оҳанрабодек ўзига тортади. Фақат бу алоқанинг бир "сири"ни айтиш жоиз: бу "меҳмонхона"га кириш бор-у, чиқиш йўқ! Бир ҳафтагина "сотка"дан фойдаланган, унинг имкониятларини ўз тажрибасида синаб кўрган одам тез орада "мумкатак" харидорига айланиши тажрибаларда исботланган.

Маълумотларга кўра, дунё бўйича ҳар куни "мумкатак"ка боғланадиганлар сони 46 мингдан ошаркан. Жаҳонда ҳар уч ойда ўртача 208,3 миллионта телефон ишлаб чиқиларкан. Бу ҳам ўз навбатида, уяли алоқа тизимининг шиддат билан ривожланаётганидан далолатдир. Бугун орамизда уяли телефондан фойдаланаётганлар кўпчиликни ташкил қилади. Мактаб ўқувчисидан тортиб телефоннинг қизил ёки кўк тугмасини босишнигина биладиган кишилар ҳам ушбу алоқа воситасига эга. Бошқача айтганда, кимдир зарурат туфайли телефон олса, айримлар очиқчасига эрмак учун сотиб олади.

Наздимизда, бугун қўл телефони фойдаланувчиларининг асосий қисмини ташкил этувчи ёшлар учун бу «матоҳ» алоқа воситаси сифатида унчалик аҳамиятли эмас. Уларни қизиқтирадиган томони, кўпроқ қўл телефонининг аудиомагнитофон, видеокамера, фотоаппарат ҳатто компьютер вазифаларини ҳам бажариш хусусиятига эгалигидир.

Беҳбуд БОТИРОВ,
«Адолат» мухбири.

МАВЗУГА ДАХЛДОР МАЪЛУМОТЛАР

⇨ Машҳур фантаст ёзувчи Стивен Кингдан нима учун уяли алоқа воситасидан фойдаланмаслигини сўрашганида: "Айрим мобиль телефон ишлатувчилар телефонга эгалик қилаяпман, деб ўйлашади. Аслида эса бунинг акси, яъни телефон инсонга эгалик қилаяпти", деб жавоб берган экан.

⇨ "Информа Телестомс & Медиа" компанияси мижозларнинг ўртача ойлик харажатларини ҳисоблаб чиққан. Унга кўра, энг юқори кўрсаткич Қувайтнинг "Заин" компаниясига тегишли бўлиб, ушбу компания абонентлари ойига ўртача 71 АҚШ доллари сарфлашаркан.

⇨ Европанинг саккизта мамлакатида тадқиқотлар олиб борган олимлар ота-оналарни жиддий огоҳлантириб, саккиз ёшдан кичик бўлган болаларга уяли алоқа телефонларидан фойдаланишга рухсат бермасликни маслаҳат беришаяпти. Акс ҳолда, болаларда мия ўсимтаси пайдо бўлиши эҳтимоли бор экан.

Хабарлар

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ЭЪТИБОРДА

"Асакаёғ" очиқ акциядорлик жамиятида ишловчиларни ижтимоий ҳимоялашга катта эътибор қаратилмоқда.

Ишлаб чиқаришда, фермер хўжаликларига хизмат кўрсатувчи шохобчаларда ҳамда касаначиликда банд бўлган 825 кишининг ўртача ойлик иш ҳақи айни пайтда 128 минг сўмни ташкил этаяпти. Ишчиларни ижтимоий ҳимоялаш ва уларнинг соғлиғини мустаҳкамлаш тадбирлари учун корхона ҳисобидан 23,2 миллион сўм ажратилди. 10 та кам таъминланган оилаларга қорамол олиб берилди.

200 ТА ЯНГИ ИШ ЎРНИ

"Наманганэкстрактёғ" очиқ акциядорлик жамиятида Президентимизнинг "Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосида ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ижроси юзасидан ўтган йили паррандачилик бўйича 200 та янги иш ўрни яратилди.

Натижада аҳоли хонадонларида парранда гўшти, тухум етиштириш йўлга қўйилди. Касаначиларга йил давомида 4363,4 минг сўмлик иш ҳақи тўланди.

2008 йилда иш ўринларини яна 160 тага ортиши режалаштирилмоқда.

Я.НОРБОЕВ,
«Адолат» мухбири.

ҲАМКОРЛИК САМАРА БЕРДИ

Ғузор туманида касаначилик билан шуғулланаётган ёшлар сони қарийб 500 нафарга етди.

Моҳира Мейлиева "Шўртангазкимё" мажмуаси билан ҳамкорлик қилиб, касаначилик асосида иш бошлаган эди. Корхона касаначини тикиш машинаси, хомашё ва бошқа зарур анжомлар билан таъминлади. Натижада касаначининг оиласидан яна уч киши ишли бўлишди.

Ҳозир оилавий касаначилар буюртмага асосан кўрпа-ёстиқлар, чойшабёпинчиқлар тикишаяпти.

К.САХАТОВ,
«Адолат» мухбири.

Қишлоқ хўжалиги

ФЕРМЕРНИНГ ЯҚИН КЎМАКДОШИ

Республикамизда қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш бўйича аниқ мақсадга қаратилган амалий чора-тадбирлар самараси ўлароқ, кейинги йилларда соҳада туб ўзгаришлар юз берди. Ширкатларни фермер хўжаликларига айлантириш жараёни ниҳоясига етиб, айни пайтда улар соҳани барқарор ва самарали ривожланишини таъминлайдиган етакчи кучга айландилар.

Ҳозирги кунда юртимизда 215 мингдан зиёд фермер хўжаликлари фаолият юритмоқда. Ўтган йили мамлакатимиз бўйича тайёрланган пахта ҳосилининг 99 фоизи, ғалланинг 82 фоизи фермер хўжаликлари томонидан етиштирилгани ҳам фикримиз тасдиғидир. Муҳими, қишлоқда ер эгаси, ҳақиқий мулкдор пайдо бўлди. Албатта, фермерларнинг самарали меҳнат қилишлари, ўз мажбуриятларини уддалашда ҳамда даромадларини орттиришда уларга хизмат кўрсатувчи ташкилотлар, хусусан, "Ўзнефтмаҳсулот" акционерлик компаниясининг жойлардаги корхоналари ролини алоҳида таъкидлаш жоиз. "Шаҳрисабз нефть база" унитар корхонаси Китоб филиали ҳам қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларни жадаллаштиришда фермерларнинг яқин кўмакдошига айланган. Филиал ташкил этилганига ҳали кўп бўлмаса-да, қисқа вақт мобайнида хизмат кўрсатиш борасида муайян ютуқларга эриша олди.

Ўтган йили қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи 520 та фермер хўжалиги билан шартнома имзоланиб, уларга 1420 тонна нефть маҳсулотлари етказиб берилди. Ишнинг тўғри ташкил этилгани учун таъминотда узилишларга йўл қўйилмади. Шу боис миришкор деҳқонлар ўз вақтида 4386 гектарга буғдой, 2596 гектар майдонга чигит қадаб, юқори ҳосил кўтардилар. Айниқса, мавсумда филиалнинг фермерларга ёқилғи тарқатувчи 8 та шохобчаси (ФЁТШ) орқали махсус транспортларда, ҳаттоки, даланинг ўзига барча турдаги ёқилғи ва ёқилғи-мойлаш материаллари етказиб берилди.

– Илгарилари ёқилғини олиш учун анча сарсон бўлиб, кўп вақт йўқотар эдик, оқибатда бу ҳосил чўғига ҳам салбий таъсир кўрсатарди, – дейди "Янги ҳаёт" фермер хўжалиги раҳбари Раҳматулло Холиёров. – Энди тамоман бошқача – тўлов хабарномасини топширсангиз бас, нефть маҳсулоти айтган манзилингизга етказиб берилади.

"Шаҳрисабз нефть база" унитар корхонаси Китоб филиали аҳоли талаб ва эҳтиёжини қондириш мақсадида 25 та хусусий АЁҚШ билан шартнома имзолаган. Умуман, ўтган йил давомида филиал томонидан истеъмолчиларга 6813 тонна нефть маҳсулотлари етказиб берилди.

– Жорий йилда ҳам фермер хўжаликлари билан ҳуқуқий шартномалар имзоланиб, қатъий назоратга олинди, – дейди филиал директори Нодир Жўраев. – Боиси, ҳосилдорликнинг қай даражада бўлиши бир жиҳатдан бизга ҳам боғлиқ. Шу мақсадда фермерларнинг имконият ва талаблари ўрганилиб, қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Маҳсулот сифати эса малакали мутахассисларимизнинг доимий назоратида.

Айни пайтда жамоада 65 киши меҳнат қилмоқда. Иш унумининг юқорилигини таъминлашда эса уларга яратилган шарт-шароит муҳим роль ўйнайди. Шу боис, маъмурият маърифат, тиббий-соғломлаштириш ҳамда дам олиш хоналарини ташкил этган. Ижтимоий ҳимоя масалалари ҳам доимий эътиборда.

Жамоа Президентимизнинг 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасидан келиб чиқиб, келгусида амалга оширилажак вазифаларни белгилаб олди. Хусусан, филиалда модернизация ишларини амалга ошириш, қарздорликни тамоман тугатиш, шартнома шартларига қатъий риоя қилган ҳолда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи фермерларни ёқилғи билан узлуксиз таъминлаш шулар жумласидандир.

Носир ҲАЙДАРОВ,
"Адолат" мухбири.

ДУНЁ: ЯНГИЛИК ҲОДИСА ВОҚЕАЛАР

КУТИЛМАГАН ИСТЕЪФО

Сербияда мамлакат бош вазири Воислав Коштуница ҳукумати истеъфога чиқди. Энди муддатидан олдин парламент сайловлари ўтказилади.

Ҳукуматнинг кутилмаган истеъфосига Косово мустақиллиги борасида бир тўхтамга келолмаслиги сабаб бўлган. Коалиция бўйича ҳамкорлар билан музокараларни давом эттиришга асос тополмаган Сербия демократик партияси вакиллари давлат бошқарувида фаолият олиб боролмасликларини маълум қилишган.

Шу туфайли яқинда Вазирлар Маҳкамаси мамлакат президентига муддатидан олдин сайловлар санасини белгилаш илтимоси билан чиқди. Сайлов ўтказиладиган сана эса 17 май этиб белгиланди.

"МИЛЛИЙ ФРОНТ" МАҒЛУБИЯТИ

Малайзияда ўтган парламент сайловларида "Миллий фронт" коалицияси муваффақиятсизликка учради. Эътиборли жиҳати шундаки, бу коалиция 1969 йилдан буён парламентда етакчилик қилиб келаётганди.

Сайловнинг якуний натижаларига кўра, "Миллий фронт" коалицияси парламентдаги 222 ўриндан 137 тасини қўлга киритди. Ҳукумат тузиш ҳуқуқига эга бўлиш учун эса 148 депутатлик мандатини олиш лозим эди.

Собиқ бош вазир Анвар Иброҳим раҳбарлигидаги мухолифатга парламентдан 31 та ўрин насиб этди. Хитой тили аҳоли партияси 28, мусулмонлар партияси 23 мандатга эга бўлди.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

⇨ Испанияда ўтказилган парламент сайловларида социалистлар партияси етакчиси, амалдаги бош вазир Хосе Луис Родригес Сапатеро иккинчи муддатга сайланди.

⇨ Бирлашган Араб Амирликлари пойтахти Дубай шаҳрида 200 дан зиёд автомобиль тўқнашуви содир бўлди. Калин туман оқибатида юзага келган автохалокатда 300 дан зиёд одам тан жароҳатлари олган, курбонлар бор.

⇨ Тожикистон ҳукумати мамлакатда фонограммадан фойдаланишни тақиклаб қўйди. Бундай тақиқ концертлар, спектакллар, жойларда намойиш қилинадиган барча балиий дастурлар ва хатто никоҳ тўйларига ҳам тегишли.

Спорт

ДАВРОНБЕКНИНГ ДОВРУҒИ

«Пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги 126-сонли ўрта мактабда ўқиб юрган кезларимда мактабимизда кикбоксинг тўгараги ташкил қилинди. Унга қатнашишимга ота-онам рухсат беришмасада, спортга бўлган меҳрим устунлик қилиб, уларга билдирмасдан тўгаракка аъзо бўлдим. Буни сезиб қолган акаларим мендан спортчи чиқмаслигини айтиб роса кулишди...»

Юқоридаги сўзлар тошкентлик иқтидорли спортчи Давронбек Қодировнинг болалик хотираларидан. Дарҳақиқат, унинг кикбоксингда эришган ютуқлари – бир олам. Илк ғалабасини 13 ёшида Тошкент шаҳар биринчилигида ғолиб чиқиш билан бошлаганди. Шундан сўнг юксак марралар сари одимлайверди. Дастлаб Қозоғистоннинг Чимкент шаҳрида бўлиб ўтган халқаро турнирда совриндорлар сафидан ўрин олди. Кейин Олма ота шаҳрида биринчи ўринни эгаллагани, Жамбул вилоятидаги Осиё чемпионатида кумуш медаль соҳиби бўлгани унинг оила аъзолари ва дўстлари олдида юзини ёруғ қилди.

– Энг муҳими, танланган касбингизга меҳр берсангиз, албатта, натижа ҳам бўлади, – дейди Даврон Қодиров. – Юртимизда спортга катта эътибор берилмоқда. Айни пайтда ўқув даргоҳи бўладими, спорт мажмуасими ундаги шарт-шароитларни кўриб, беихтиёр шу соҳага меҳр қўясан киши. Шунинг учун ҳам эндиликда кўпчилик ота-оналар фарзандларини спорт мажмуаларига ўзлари етаклаб келишмоқда.

Дарвоқе, Давронбек турли мусобақаларда қатнашиш билан биргаликда, ўзи мустақил равишда мураббийлик ҳам қила бошлади. 17 ёшида 17 нафар шогирдлари билан Марғилон шаҳридаги халқаро турнирда иштирок этиб, муваффақият қозонди. Мусобақа сўнггида у ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаётгани учун фахрий ёрлиқ билан тақдирланди.

Эътиборли жиҳати шундаки, ҳозир 24 ёшли спортчи «Спорт устаси», "Биринчи тоифали мураббий", "Халқаро тоифадаги ҳакам" сингари унвонларга эга. Давронбекнинг саъй-ҳаракатию, тиришқоқлигини инобатга олиб, Тошкент шаҳар Кикбоксинг федерацияси вице-президенти этиб сайлашди.

Давронбек Қодиров айни вақтда Тошкент Тиббиёт Академияси «Мега» спорт клубида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш билан бирга, кўплаб ёшларга кикбоксинг сирларидан сабоқ бериб келмоқда. Жорий йилнинг 7-11 март кунларида Озарбайжоннинг Боку шаҳрида ўтказилган «Олтин қўлқоп» биринчилигида уч нафар шогирди билан муносиб иштирок этди.

Давронбекнинг келгусидаги мақсади шогирдлари билан Ўзбекистонимиз байроғини жаҳон спорт ареналарида энг юқорига кўтаришдан иборат.

Соат ҲАҚБЕРДИЕВ,
"Адолат" мухбири.



Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

Суратда: ёш мураббий Давронбек Қодиров иқтидорли шогирди билан машғулот пайтида.

«ПАХТАКОР» ТОШКЕНТДА, «ҚУРУВЧИ» ЖИДДАДА

Осиё чемпионлари лигасининг илк учрашувида майдонга тушди

Қитъамизнинг нуфузли турнирларидан саналган Осиё чемпионлари лигасининг бу йилги баҳсларида Тошкентнинг "Пахтакор" ва "Қурувчи" жамоалари юртимиз шарафини ҳимоя қилишмоқда.

Қуръага кўра пахтакорчилар мусобақанинг "Д" гуруҳидан жой олишган. Ушбу гуруҳда кейинги босқичга бериладиган ягона йўлланма учун ҳамюртларимиз Қувайтнинг "Ал-Қодисия", Қатарнинг "Ал-Гарафа" ва Ироқнинг "Арбил" жамоалари билан ўзаро баҳс юритишади.

Миллионлар ўйини

Дастлабки турда "Пахтакор" жамоаси Тошкентда Қувайт вакилларига қарши тўп сурдилар. Ҳамюртларимизнинг тўлиқ устунлигида ўтган мазкур ўйинда мухлислар сўнгги дақиқаларгача ўз жамоасининг ғалабасига умид боғлашганди. Аммо қарши ҳужум тактикасидан унумли фойдаланган "Ал-Қодисия" футболчилари ҳакам томонидан қўшиб берилган охирги сонияларда дарвозабон Игнатий Нестеровни доғда қолдириб, муҳим уч очкони қўлга киритишди – 0:1.

– Футболчиларимиз кўплаб қулай вазиятлардан фойдалана олишмади, – деди "Пахтакор" жамоаси бош мураббийси Равшан Ҳайдаров учрашувдан сўнг бўлиб ўтган матбуот анжуманида. – Аммо бундан фожеа ясаш керак эмас. Олдинда ҳали яна бешта учрашув турибди. Қолган ўйинларда барча имкониятларни ишга солиб, ўз мухлисларимизни хурсанд қиламиз, деган умиддаман.

Гуруҳдаги иккинчи учрашувда ҳам меҳмонларнинг қўли устун келди: "Арбил" – "Ал-Гарафа» – 0:1.

Осиё чемпионлари лигаси дебютанти "Қурувчи" жамоаси "А" гуруҳи учрашувларида иштирок этмоқда. Миржалол Қосимов шогирдлари илк ўйинда Жиддада "Ал-Иттиҳод" (Саудия Арабистони) футболчилари билан куч синашди. 80-дақиқада мезбонларнинг бразилиялик легионери Алвеш томонидан киритилган ягона тўп "Ал-Иттиҳод"га ғалаба келтирди.

Гуруҳнинг "Сепахон" (Эрон) – "Ал-Иттиҳод" (Сурия) жамоалари учрашувида эса меҳмонлар 0:2 ҳисобида зафар қучдилар.

Мусобақанинг иккинчи тур ўйинлари 19 март куни бўлиб ўтади. Шу куни "Қурувчи" жамоаси ўз майдонида "Сепахон" футболчиларини қабул қилса, пахтакорчилар сафарда "Ал-Гарафа" меҳмони бўлишади.

Хуллас, дастлабки тур ўйинлари ортда қолди. Аммо хулоса чиқаришга ҳали эрта. Агар ҳамюртларимиз илк учрашувда йўл қўйилган хатолар устида ишлашса, кейинги баҳсларда кутилган натижаларни қайд этишларига шубҳа йўқ.

Самандар БОБОРАЖАБОВ.

Адолат кетган жойда кишилар ҳаёти қадр-қимматини ушлаб турадиган ҳеч нима қолмайди.
Кант.



Ҳ.АВВАЛОВ олган сурат.

— Рулни бир қўлдаям бошқараверaман!

Шеърият

СЎЗ ЭРУР ТАСКИН КИШИ АНДУҲИГА

Ҳаким бўлсанг дардни арит, кутмай илтижо.
Оқил бўлсанг насиҳат қил, пур ҳикматнамо.
Даъво қилсанг, бунда агар тириклигингни,
Меҳринг кўрсат, инсонларга, эй ақли расо!

ҒАЗАЛЛАР

Лабларин тотин олиб тонглар сабо келтирдиму,
Бу фақир дилга они бир дилрабо келтирдиму.

Оразин кўрсам кўйин асли нафис гулдан эркан,
Билмадим кўз ичра ўй, наргис қабо келтирдиму.

Лаҳзайи ҳардамхаёл боғлабди қалбим хуснига,
Кий дебон фикри хузур кисват – або келтирдиму.

Азми ишқ титратди жон, дардлар қочиб тандин ниҳон,
То абад туйғудин ул акси вабо келтирдиму.

Хайлидир нозик малак зебойи тенгсиз қавмидан
Қошима тақдир бу деб тўзон ҳабо келтирдиму.

Оро бирла ой мисол тургай ажиб кўз қўрқадур,
Тегмасин эл кўзи деб туйғу, садо келтирдиму.

Неки тонг, Касбий ила бўлса ҳаётин борлиғи,
Дебди: ул бул муждани тонгдин сабо келтирдиму.

***

Лолаюз кўйинг билан дард-изтироб ортмоқда кўп,
Маҳрингга шайдо бўлиб маҳри хуноб ортмоқда кўп.

Оразинг кўмсаб туну кун қақшагай маҳзун дилим,
Ютмагимга муттасил оғу шароб ортмоқда кўп.

Лол бўлиб фикру хаёл этмакка бу дунёни ҳам,
Айланиб беҳудага орзу сароб ортмоқда кўп.

Аҳди ишқ сўрдим висол базмиға минг бошим эгиб,
Рағбатинг йўқ чун менга оғумаоб ортмоқда кўп.

Хастайи ҳардамхаёл изинг тополмай доғмен,
Ҳўрламакдин қалбинга аҳду хароб ортмоқда кўп.

Нозанин қаҳринг буки, ўртар Сулаймон энди дер,
Юзларим узра изо маснуъ суроб ортмоқда кўп.

РУБОИЙЛАР

Сўз эрур таскин киши андуҳига,
Бахтлидир сўз мулкига қай дил эга.
Тун ва кун тинмайки бош эгдим мудом,
Сўз ила фозил Навоий руҳига.

* * *

Бир гўзалга бенаво бўлсам керак,
Ҳолати кўкси яро бўлсам керак.
Бенаво кўкси яронинг қисмати,
Охири эрмиш фано, бўлсам керак!

* * *

Юз ёшли чол кўрдим, юзи ол-анвар,
Қомати қарчиғай, лекин ботил кар.
Шунчалик забардаст бўлармиди у,
Дунё паст-баландин эшитолса гар.

ТУЮҚЛАР

Қулфин очар баҳор гуллар бўй олиб.
Адирлар ҳам алвонликка бўёлиб.
Қиёси йўқ тупроғимнинг мадҳидан,
Шеър орзуси кирар қалбга бўй олиб.

* * *

Лобарим, қалбимга ўтлар ёқасиз.
Куйсам ҳажрингизда ҳам сиз ёқасиз.
Тутсангиз туҳмат билан бу ёқадан,
Мен киюрман жанда бир тўн ёқасиз.

* * *

Кўнглима дунёки бир шам ёқмади,
Гулбаҳор, ёзи ёқиб, қиш ёқмади.
Фасли-ку майли, бору йўқлик аро,
Ёқдики армонлари кам ёқмади.

* * *

Ғам бошинг оқ қилмасин, бу акси доғ.
Ол юзинг оқ қилмасин, бу дарду доғ.
Эл билан бўл, эл сени ёзғирлабон
Алҳазар, оқ қилмасин, бу мангу доғ.

Сулаймон ҲАЙДАР КАСБИЙ.

Аждодларимиз

МАШҲУР САЙЁҲ ВА ТАБИБ

Машҳур сайёҳ Мирзо Сирожиддин 1878 йили Бухоро шаҳрида савдогар оиласида таваллуд топган. Унинг отаси Мирзо Абдурауф Бухоронинг йирик савдогарларидан бири бўлган.

Мирзо Сирожиддин ёшлигиданоқ илмга меҳр қўйиб, қисқа вақт ичида форс, араб, турк, рус тилларини ўрганади. Ўз билимини ошириш учун адабиёт, тарих, география, математика, этика, фалсафа фанларига қизиқиб, мутолаа қилди. Отаси ўғлининг олган бошланғич билимини савдо-сотиқ ишлари учун етарли деб ҳисоблаб, уни саррофдўконларидан бирига жойлаштириб қўяди. Иш билан банд бўлишига қарамай, Сирожиддин рус ва француз тилларини ўрганишга интилади, янги очилган рус мактабларига қатнайди, математика, география фанларидан қўшимча маълумотлар олади. Кейинчалик шеърлар ҳам машқ қила бошлайди.

Мирзо Сирожиддин савдо иши билан Марказий Осиёнинг кўпгина шаҳарларини кезган, Кавказорти ва Россиянинг йирик шаҳарларига бир неча марта борган. Кейинчалик, сайёҳатга қизиққани боис савдо ишларини йиғиштириб қўйган.

Мирзо Сирожиддин Афғонистон, Эрон, Миср, Ҳиндистон каби мамлакатларда, шунингдек, Бағдод, Макка, Мадина, Деҳли сингари шаҳарларда бўлиб, уларнинг аҳолиси, ўтмиши, маданияти, турмуш тарзи, урф-одатларини ўрганади ва таассуротларини хотира дафтарига ёзиб боради.

Бухоролик "Магеллан" Шарқ мамлакатларидан ташқари, Америка, Англия, Германия, Швейцария, Австрия, Франция, Венгрия, Болгария, Польшада ҳам бўлади. Ўзининг узоқ давом этган сайёҳатини Москвада якунлайди. Сайёҳ қайси мамлакатда бўлмасин, ўша юрт аҳолисининг маданиятини, иқтисодий-ижтимоий шароитини синчиклаб кузатади. Дарҳақиқат, унинг "Бухоро аҳлига туҳфа" номли асари ўша даврда Афғонистон, Эрон, Туркиядаги ижтимоий-иқтисодий ҳаётни ҳамда Ҳиндистон халқлари маданияти ва санъатини ўрганишда қимматли манбадир.

Мирзо Сирожиддин Европага саёҳати давомида тиббиёт мактабига ўқишга кириб, бу соҳани ҳам ўрганиб қайтади. У 1910 йилдан вафотига (1914 йил) қадар шифокорлик билан шуғулланиб, Бухорода европача типда шифохона ва дорихона очади. Фуқароларга бепул тиббий ёрдам кўрсатади. Айни вақтда "Туркистон вилоятининг газети", "Бухоройи шариф", "Самарқанд", "Турон", "Навбаҳор", "Ойина" каби газета ва журналларга ҳар хил мавзуларда, кўпроқ соғлиқни сақлашга доир мақолалар ёзиб турган.

Машҳур сайёҳ вафоти муносабати билан "Вақт" газетасида (1914 йил 14 январь) босилган хабарда шундай ёзилган эди: "Бухоронинг машҳур ва мўътабар доктори Мирзо Сирожиддин бинни Мирзо Абдурауф вафот этди. Марҳум Бухорода ибтидо таҳсил олиб, форси адабиёти билан яхши танишганидан сўнг, Европага бориб тиббиёт мактабига кирган, сўнг Бухорога қайтиб, табиблик билан шуғуллана бошлаган. Олий табиатли, намунали ахлоқли ва ҳар кимга бир текис қараб, фақир-фуқарога ёрдами катта эди...".

Рашид БОЙТИЛЛАЕВ
тайёрлади.

Ҳаётий ҳангома

„ШЎХ БОЛА" КЕЧМИШЛАРИ

Убайдулла ота билан бир маҳаллада яшаймиз. Ёши саксондан ошганига қарамай қўни-қўшниларнинг қувонч-у, ташвишларига шерик бўлиб юради. Болаликдан бирга ўсган тенгқурлари уни "шўх бола" дейишади.

Бугун ҳам чойхонадаги катта чорпояни тўлдириб ўтирган чоллар Убайдулла отани қувониб қарши олишди. Етмишни қоралаб қолган Йўлдош бобо пиёлага чой қуйиб Убайдулла отага узатаркан:

– Ҳангомаларингизни соғиниб қолдик, келган жойидан эшитайлик, – деди.

– Буларга тўйга кўтариб бораётган қатламани йўлда паққос туширганингни айтиб бер, – гапга аралашди Комил ота.

Убайдулла ота қўлидаги чойни хўплар экан, даврадагиларга кўз қирини ташлаб олди. Сўнг жўраси Комил эсига солган "қатлама ҳангомаси"ни бошлади.

– Ўшанда етти ёшда эдим, онамдан эрта айрилиб, ўғай она қўлида қолдим. Тирноқ кўрмаган аёлнинг қаҳри қаттиқ бўларканми, мени ҳеч тинчитмасди. Нонни эса қулоғимга ўлчаб берарди. Иш ўргансанг ўзингга фойда, деб отам ўғай онамнинг ёнини оларди. Бир куни ўғай онам катта дастурхонга бир нечта қатламани ўраб, "Қўшни қишлоқдаги Мирвали тоғанинг тўйига олиб бор, тўй эгалари мени сўраса, кеп қолади, дегин", деб жўнатди. Ўша куни нонуштаям, тушлик ҳам қилмаганман, қорин ноғора чаларди. Очлигимдан тинкам қуриб, ярим йўлга етганда бошимдаги тугунни очиб, йўл-йўлакай қатламаларнинг чет-четидан узиб еб кетавердим. Еб тўймайман, бирам мазали! Тўйхонага боргунча беш-олтита қатламанинг гирдини синдириб едим. Дастурхонни қолган қатламалар билан тўйхонадаги дастурхончиларга тутқаздим-у, дарҳол орқамга қайтдим. Машмашанинг каттаси ўғай онам тўйдан қайтгандан кейин бўлди. У ҳовлига ғазаб билан кириб келди:

– Ҳей жувонмарг, қаердасан? Мени шарманда қилдингку! Хотин-халажнинг ичида энди қандай бош кўтариб юраман...

Бу пайт мен ҳовлимиздаги катта тутнинг тепасига чиқиб олган эдим. Бир пайт ичкаридан хуфтон номозини ўқиб отам чиқиб келди:

– Нима гап, тинчликми? Нега бақириб юрибсан?

– Дард бўлди, бало бўлди, – отамга қараб бақира кетди ўғай онам, – жувонмарг Убайдуллангиз мени шарманда қилди.

– Ҳовлиқмай, тушунтириб гапирсанг-чи?

– У жувонмаргга бир дастурхон қатламани бериб, қўшни қишлоқдаги Мирвалининг тўйхонасига олиб бор, десам йўл-йўлакай қатламаларни гирдидан ушатиб еб борибди. Ўнта қатламадан бирортаси бутун эмас. Дастурхончи кўпчиликнинг олдида: "Қатламаларингизни ит тишлаганмиди, ҳаммасининг гирди ушатилган", деса бўладими. Ер ёрилмади – мен кирмадим.

Ўғай онамнинг гапидан отамнинг авзойи ўзгарди. Ҳовлининг тўрт тарафига аланглаб қаради. "Убайд!" дея қичқирди. Мен тутнинг шохига баттар тирмашдим.

– Менга қара, кампир, – деди отам, – мактабдан келганида бирор нарса еганмиди?

– Пешин бешта тухумни сарёққа қовуриб, битта иссиққина қатлама бердим. Ҳаммасини қолдирмай еди. У мени шарманда қилиш учун атай қатламаларни ушатиб итларга берган.

Ўғай онамнинг туҳматига чидолмай дарахт шохида туриб: "Онам ёлғон гапираяптилар", деб юборибман. Чол-кампир "ялт" этиб тепага қарашди.

– Ана кўрдингизми, – отамни "гиж-гиж"лади ўғай онам, – қилғилиқни қилиб қўйиб, дарахт устида гап пойлаганига ўлайми?!

Отам дарахтга яқинроқ келиб: "Пастга туш", деб буюрди. Мен баттар тирмашиб тепароқдаги шохга чиқдим. Дарахт шохи синиб, ерга қулаб тушишимдан хавотирланди, чоғи, отам овозини пасайтириб: "Қўрқма, қўлимни теккизмайман, буёққа туш, шох синиб кетмасин", деди. Отамнинг феълини яхши билардим, бирон ножўя иш қилиб қўйсам, дўқ-пўписа қиларди-ю, лекин қўл теккизмасди...

Убайдулла отанинг бу ҳангомасидан чойхонадагилар мазза қилиб кулишди...

Убайдулла отанинг айтишича, ўттизинчи йилларнинг бошларида ғалла ҳосили яхши бўлмай, ун тортилгани сабаб одамлар эрта тонгдан дўконда нон учун навбатга тураркан. Бир куни Убайдулла дўконга нон олишга келса, тумонот одам, навбатнинг кети кўринмайди. Абдуҳаким эртароқ келган экан, сотиб олган нонларини баланд кўтариб ур-йиқитда одамлар орасидан чиқишга қийналарди. Бир маҳал унинг Убайдуллага кўзи тушиб, чақириб қолди: "Жўражон, нонларимни олиб тур, тўдадан чиқиб олай". Навбатда турганлар қўлмақўл қилиб Абдуҳакимнинг нонини Убайдуллага узатишади. Убайдулла нонларни олиши билан жўрасининг одамлар орасидан чиқишини кутмай уйига жўнаб қолади. Абдуҳаким бир амаллаб одамлар орасидан туртиниб-суриниб чиқса, жўраси йўқ. "Жўрам нонларимни уйимизга олиб кетгандир", деган хаёл билан Абдуҳаким уйига келади.

– Убайдулла жўрам... нонларни келтирмадими?

– Йўқ, – дейди Абдуҳакимнинг онаси...

– Жўрам гуноҳини оқлади, – деди Абдуҳаким ота даврадагиларга, –тўйимдан бир кун олдин бизникига келиб, "Тўйингни нонини мен кўтараман", деб қолди. Шунда онам: "Убайдуллажон, тўйни ҳисоб-китобини қилиб қўйганмиз, жўрангни қаватида қанот бўлиб юрсанг бўлди", дедилар. Убайдулла эса "Ёшликда қилган гуноҳимни оқлашим керак" деб, эътироз билдиришларига қарамай, тўйимга юзта Самарқанд нони келтирди.

Йиллар ўтиб "шўх бола" босилди. Урушдан қайтиб келса, отаси вафот этиб ўғай онаси ҳовлида ёлғиз ўзи қолибди. У энди аввалгидай қаҳри қаттиқ эмас, ўз онасидек Убайдуллага меҳр билан, ширин муомала қилади. Кунларнинг бирида ўғай она Убайдуллани ёнига чақириб: "Урушдан соғ-саломат келганингга шукур. Сен келгунингча уйни чироғини ёқиб ўтирдим. Ўзинг биласан, отангдан зурриётим йўқ. Энди мен қишлоғимга, қариндошлар олдига қайтмоқчиман", дейди. Убайдулла ўзини ўғай она бағрига отиб: "Уйнинг чироғини бирга ёқамиз, ёшлигимдаги шўхликларим учун мени кечиринг, онажон. Ҳадемай, келин туширасиз, набираларингизга буви бўласиз", дейди. Ўғай она унинг пешонасидан ўпиб, "Ўзимни шўх болагинамдан ўргилай», деб умрининг охиригача Убайдуллага меҳрибон она бўлиб қолади.

Асқар ЖАЛИЛОВ.

"DV-GOLDSTAR-AUDIT" масъулияти чекланган жамияти Низом фондини 7 миллион 850 минг сўмдан 2 миллион 355 минг сўмга камайтирганини эълон қилади.

Ўзбекистон "Адолат" СДП Қашқадарё вилояти Кенгаши жамоаси вилоят Кенгаши аъзоси, вилоят адвокатлар уюшмаси раиси Норсафар Норматовга падари бузруквори **Абдулла ота**нинг вафот этгани муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ADOLAT
ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СДП СИЁСИЙ КЕНГАШИ
www.adolat.uz • E-mail: adolat_gazeta@mail.ru

Бош муҳаррир
Холтўра ШАФОАТОВ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан рўйхатга олинган

Телефонлар: қабулхона – 236-53-14; 233-40-86; котибият – 233-41-89; «Партия ҳаёти ва сиёсат» бўлими – 236-55-64

Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳрир ҳайъати
Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА, Иқбол МИРЗО, Турсунали ҚЎЗИЕВ, Турғунпўлат ДАМИНОВ, Равшан ҲАЙДАРОВ, Мамазоир ХЎЖАМБЕРДИЕВ, Исмоил САИФНАЗАРОВ, Собир ТУРСУНОВ, Шермат ШАМСИЕВ, Светлана ОРТИҚОВА, Мукаррамхон АЗИМОВА, Жуманиёз АЛИБЕКОВ, Камол АЛЛАЁРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Талъат МУРОДОВ

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди

• «Адолат»дан кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
t – Тижорат мақолалар белгиси.

Нашр индекси – 100

Навбатчи муҳаррир – Бахтиёр ТОШНАЗАРОВ
Навбатчи – Ўктам ХУДОЙҚУЛОВ
Саҳифаловчи – Латифжон ТУРСУНОВ

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Буюртма Г – 200. Ҳажми – 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2. Адади – 2934. Босишга топшириш вақти – 21.00. Босишга топширилди – 00.40 1 2 3 4 5